

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ ҲУЗУРИДАГИ**

**ДАВЛАТ ТЕСТ МАРКАЗИ**

**ДАВЛАТ ТЕСТ МАРКАЗИ ҲАЙЪАТИНИНГ**

**2022 йил 24 январдаги**

**1-сон йиғилиши**

**Б А Ё Н Н О М А С И**

**Тошкент – 2022**



**“ТАСДИҚЛАЙМАН”**

Давлат тест маркази директори,

Ҳайъат раиси

М.Каримов

2022 йил 24 январь

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги  
Давлат тест маркази Ҳайъатининг  
1-сон йиғилиши баённомаси**

2022 йил 24 январь

Тошкент шаҳри

**Раислик қилувчи:**

М.Каримов – Давлат тест маркази директори,  
Ҳайъат раиси

**Қатнашдилар:**

Ҳайъат аъзолари (рўйхат бўйича)

**КУН ТАРТИБИ**

**Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест марказининг  
2022 йил I ярим йиллик иш режаси тўғрисида**

(М.Каримов, Б.Юсупов, С.Раджабов, Ш.Батиров, Ф.Мирзаев, О.Бобоев, М.Каримов)

Ҳайъат раиси М.Каримов бугунги Ҳайъат йиғилишида аъзоларнинг барчаси тўлиқ иштирок этаётганлигини маълум қилиб, йиғилиш иштирокчиларини кун тартибидаги масала билан таништирди ҳамда ишлаб чиқилган Давлат тест марказининг 2022 йил I ярим йилликка мўлжалланган иш режаси тўғрисида маълумот бериш учун сўзни Ижро интизоми назорати бўлими бошлиғи Б.Юсуповга берди. Б.Юсупов қуйидагиларни **маълум қилди:**

2021 йил давомида Давлат тест марказининг I ва II ярим йилликка мўлжалланган иш режасидаги вазифалар ижроси белгиланган муддатларда таъминланиб, ўрнатилган тартибда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Таълим ва соғлиқни сақлаш масалалари котибиятига белгиланган муддатларда маълумот киритилди.

2021 йилнинг декабрь ойида Марказ таркибий бўлинмалари томонидан ҳар бир бўлинманинг 2022 йил I ярим йилиikka мўлжалланган иш режаси тасдиқланди ва Ижро интизоми назорати бўлимига тақдим этилди, шунингдек, ҳар бир таркибий бўлинманинг Давлат тест марказининг 2022 йил I ярим йиллик иш режаси лойиҳасига киритиш учун таклифлари олинган ҳолда